



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ИШГА ЖОЙЛАШИШИ АСОСИДА ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ

Шермухаммадов Баҳромжон

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0000-9988-3613

bakhromjonshermukhammadov@gmail.com

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши асосида баҳолаш масаласи тадқиқ этилган. 2015-2025 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида муассасалар, талабалар ва битирувчилар сонининг кескин ўсиши таълим сифатини фақат ички жараёнлар билан эмас, балки меҳнат бозоридаги натижалар орқали баҳолаш заруратини кучайтирди. Тадқиқотда битирувчиларнинг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилиниши таълим дастурлари амалийлиги, иш берувчилар эҳтиёжига мослик ва бошқарув қарорлари натижавийлигини ифодаловчи ташиқи индикатор сифатида асосланади. Эконометрик ёндашув орқали мазкур кўрсаткичга таъсир этувчи институционал, ресурс ва меҳнат бозори омилларини баҳолаш имконияти кўрсатилган. Натижалар таълим сифати бошқарувини KPI, прогнозлаш, ресурсларни мақсадли тақсимлаш ва иш берувчилар билан ҳамкорликни такомиллаштириш орқали ривожлантириш зарурлигини асослайди. Мақола натижалари бандлик мониторингини кучайтириш ва стратегик қарорлар қабул қилиш учун амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: олий таълим, таълим сифати, битирувчилар бандлиги, бирламчи ишга жойлашиш, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ НА ОСНОВЕ ПЕРВИЧНОГО ТРУДОУСТРОЙСТВА ВЫПУСКНИКОВ

Шермухаммадов Баҳромжон

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматривается вопрос оценки эффективности управления качеством образования в высших учебных заведениях на основе первичного трудоустройства выпускников. Резкий рост числа учреждений, студентов и выпускников в системе высшего образования Узбекистана в 2015–2025 годах повысил потребность в оценке качества образования не только по внутренним процессам, но и по результатам на рынке труда. В исследовании установлено, что первичное трудоустройство выпускников работодателями является внешним показателем практической образовательных программ, их соответствия потребностям работодателей и эффективности управленческих решений. Эконометрический подход показывает возможность оценки институциональных, ресурсных и рыночных факторов, влияющих на этот показатель. Результаты обосновывают необходимость развития

управления качеством образования посредством KPI, прогнозирования, целевого распределения ресурсов и улучшения сотрудничества с работодателями. Результаты статьи имеют практическое значение для усиления мониторинга занятости и принятия стратегических решений.

Ключевые слова: высшее образование, качество образования, занятость выпускников, основная занятость, эконометрическое моделирование, прогнозирование.

ECONOMETRIC ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF EDUCATION QUALITY MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS BASED ON THE PRIMARY EMPLOYMENT OF GRADUATES

Shermukhammadov Bahromjon

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article studies the issue of assessing the effectiveness of education quality management in higher education institutions based on the primary employment of graduates. The sharp increase in the number of institutions, students and graduates in the higher education system of Uzbekistan in 2015–2025 has increased the need to assess the quality of education not only through internal processes, but also through results in the labor market. The study establishes the primary employment of graduates by personnel customers as an external indicator of the practicality of educational programs, their compliance with the needs of employers and the effectiveness of management decisions. The econometric approach shows the possibility of assessing institutional, resource and labor market factors affecting this indicator. The results justify the need to develop education quality management through KPIs, forecasting, targeted resource allocation, and improved cooperation with employers. The results of the article have practical significance for strengthening employment monitoring and making strategic decisions.

Keywords: higher education, education quality, graduate employment, primary employment, econometric modeling, forecasting.

Кириш.

Жаҳонда олий таълим тизимининг иқтисодий тармоқлари, меҳнат бозори ва инновацион ривожланиш жараёнлари билан интеграциялашуви кучайиб бораётган шароитда университетлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳам мазмунан ўзгармоқда. Анъанавий ёндашувларда олий таълим муассасалари фаолияти асосан таълим хизматлари ҳажми, қабул кўрсаткичлари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ресурслар билан таъминланганлик орқали баҳоланган бўлса, замонавий менежмент нуқтаи назаридан бундай ёндашув етарли эмас. Бугунги кунда олий таълим сифати муассасанинг меҳнат бозори талабларига мос, рақобатбардош ва касбий компетенцияларга эга битирувчилар тайёрлаш қобилияти билан бевосита боғлиқ ҳолда баҳоланиши лозим (Виссема, 2016).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда олий таълим тизимида кенг қўламли институционал ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2015–2025 йилларда олий таълим муассасалари сони 69 тадан 222 тага, талабалар сони 264,3 минг нафардан 1432,8 минг нафарга, битирувчилар сони эса 66,3 минг нафардан 211,2 минг нафарга етгани тизимда миқдорий ўсиш жадаллашганини кўрсатади. Бироқ миқдорий кенгайишнинг ўзи таълим сифати ва бошқарув самарадорлиги ошганини тўлиқ аңлатмайди. Аксинча, бундай шароитда таълим натижаларини меҳнат бозори талаблари, кадрлар буюртмачилари эҳтиёжи ва битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари орқали баҳолаш зарурати кучаяди (Қонун, 2020; Мирзиёев, 2025).

Шу жиҳатдан битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ифодаловчи муҳим

ташқи натижавий индикатор ҳисобланади (Раҳимова ва бошқ., 2005). У таълим дастурлари мазмуни, амалий тайёргарлик, касбий компетенциялар, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва бошқарув қарорларининг натижавийлигини баҳолаш имконини беради. Мазкур мақоланинг мақсади олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши асосида эконометрик баҳолашнинг илмий-методологик асосларини ёритишдан иборат (Режапов, 2023).

Адабиётлар шарҳи.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш масаласи таълим менежменти, меҳнат бозори, инсон капитали ва институционал ривожланиш билан бевосита боғлиқ илмий йўналиш ҳисобланади. Мавжуд тадқиқотларда таълим сифати кўпинча ўқув жараёни мазмуни, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, таълим дастурлари, ички мониторинг, аккредитация, рейтинг ва манфаатдор томонлар қониқиши орқали баҳоланади. Бироқ замонавий шароитда таълим сифати фақат ички академик жараёнлар билан эмас, балки битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги натижалари билан ҳам боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниши зарур (Белкин ва бошқ., 2010).

Хорижий тадқиқотларда университетлар рақобат муҳитида фаолият юритувчи, ташқи муҳит билан ўзаро алоқадор ва натижавийликка йўналтирилган институт сифатида қаралади. МДҲ олимлари ишларида таълим сифати менежменти, таълим хизматлари сифати, иш берувчилар фикри, ички назорат ва битирувчилар бандлиги масалалари кенг ёритилган. Ўзбекистон олимлари эса олий таълим хизматлари бозори, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, молиявий бошқарув, инновацион ривожланиш ва меҳнат бозори билан ҳамкорлик йўналишларини тадқиқ этганлар (Шермухаммадов, 2024).

Шу билан бирга, адабиётларда таълим сифати бошқарувини битирувчиларнинг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилиниши асосида эконометрик баҳолаш масаласи етарлича тизимли ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли мазкур мақолада бирламчи ишга жойлашиш таълим дастурлари сифати, амалий тайёргарлик, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва бошқарув қарорлари натижавийлигини ифодаловчи комплекс индикатор сифатида қаралади (Қаҳҳоров, 2021; Режапов, 2023).

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришни фақат ички назорат ёки баҳолаш жараёни сифатида эмас, балки стратегик мақсадлар, ресурслар, таълим жараёнлари ва натижалар ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи комплекс менежмент тизими сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашувда таълим сифати муассасанинг ўқув жараёнини қандай ташкил этгани билангина эмас, балки ушбу жараён меҳнат бозорида қандай натижа бергани билан ҳам баҳоланади.

Мазкур мақолада натижавий ёндашув асос қилиб олинади. Унга кўра, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши таълим дастурлари мазмуни, амалий тайёргарлик, касбий компетенциялар ва иш берувчилар эҳтиёжлари ўртасидаги мувофиқликни акс эттирувчи ташқи индикатор ҳисобланади. Шунингдек, манфаатдор томонлар ёндашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда талабалар, битирувчилар, иш берувчилар ва давлат органлари эҳтиёжлари таълим сифати бошқарувининг асосий йўналишларини белгилайди.

Эконометрик моделлаштириш эса битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш ва прогнозлаш имконини беради. Шу орқали таълим сифати бошқаруви КРІ, ресурслар тақсимооти ва стратегик қарорлар билан боғланган ҳолда такомиллаштирилади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини баҳолашда натижавий-индикаторли ва эконометрик ёндашувлар уйғунлаштирилди. Тадқиқотнинг методологик асосини таълим сифатини бошқаришни комплекс менежмент жараёни сифатида қараш, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашишини ташқи натижавий индикатор сифатида танлаш ва ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш ташкил этади (Шермухаммадов, 2024).

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим сифати бошқаруви ва битирувчиларнинг меҳнат бозорига кириши билан боғлиқ жараёнлар олинди. Тадқиқот предметини битирувчиларнинг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилинишига таъсир этувчи омиллар ҳамда ушбу омиллар орқали таълим сифати бошқаруви самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади (Режапов, 2023).

Методологик жиҳатдан тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, динамик таҳлил, индикаторли ёндашув, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларидадан фойдаланилади. Мазкур тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индекслар усули, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Эконометрик моделлаштириш жараёнида натижавий кўрсаткич ва таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик баҳоланади. Умумий кўринишда модель қуйидаги мантиққа асосланади:

$$Y = f(X_1, X_2, X_3, X_4, \dots)$$

бу ерда Y — битирувчиларнинг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилинганлар сони; X_1 — фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони; X_2 — олий таълим муассасаларидаги талабалар сони; X_3 — инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми; X_4 — олий таълим тизими учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажми. Қолган омиллар эса тадқиқот доирасида асосланган тегишли институционал ва иқтисодий кўрсаткичларни ифодалайди.

Модель натижаларини талқин қилишда асосий эътибор фақат статистик боғлиқликни аниқлашга эмас, балки ушбу боғлиқликнинг бошқарув мазмунини очиб беришга қаратилади. Чунки эконометрик моделлаштиришнинг таълим менежментидаги амалий аҳамияти қайси омиллар бошқарув таъсири орқали ўзгартирилиши мумкинлигини кўрсатиб беришида намоён бўлади. Модель натижаларини стратегик режалаштириш ва тузатувчи бошқарув қарорлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш зарурлиги тадқиқотнинг методологик ёндашувида асосланади.

Мақола доирасида методологиянинг амалий вазифаси 2015–2025 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида юз берган институционал ва натижавий ўзгаришларни битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни эконометрик баҳолаш ва 2026–2030 йиллар учун прогноз натижаларининг бошқарув аҳамиятини очиб беришдан иборат. Шу сабабли кейинги натижалар қисмида динамик таҳлил, эконометрик модель натижалари ва прогноз кўрсаткичлари мақола мавзусига мос равишда изчил баён қилинади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2015–2025 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида институционал кенгайиш ва натижавий кўрсаткичлар динамикаси сезиларли даражада кучайган. Олий таълим муассасалари сони 69 тадан 222 тага, талабалар контингенти 264,3 минг нафардан 1432,8 минг нафарга, битирувчилар сони эса 66,3 минг нафардан 211,2 минг нафарга етган. Ушбу ҳолат олий таълим тизимида қамровнинг кенгайиши билан бирга таълим сифати бошқарувини натижавий ва диагностик мезонлар асосида баҳолаш заруратини кучайтирганини кўрсатади.

Олий таълим тизимидаги мазкур миқдорий ўсишни фақат институционал кенгайиш сифатида баҳолаш етарли эмас. Чунки таълим сифатини бошқариш нуқтаи назаридан асосий масала талабалар сони ёки муассасалар миқдорининг ортишида эмас, балки ушбу ўсишнинг меҳнат бозорида қандай натижа бериши, битирувчиларнинг касбий фаолиятга кириш имконияти ва кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мослигида намоён бўлади. Шу сабабли битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши таълим сифати бошқаруви самарадорлигини баҳолашда асосий ташқи натижавий индикаторлардан бири сифатида қаралиши лозим.

Тадқиқот маълумотларига кўра, 2015–2025 йилларда олий таълим муассасалари битирувчилари сони 66,3 минг нафардан 211,2 минг нафаргача ошган. Шу даврда битирувчилардан бирламчи ишга жойлашганлар сони 62,1 минг нафардан 190,1 минг нафаргача кўпайган. Битирувчилар сонидан бирламчи ишга жойлашганлар улуши эса 2015 йилда 93,7 фоизни, 2024/2025 ўқув йилида 90,0 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат битирувчилар сони кескин ошган шароитда ҳам олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги функционал боғлиқлик маълум даражада сақланганини кўрсатади.

2015–2025 йиллар динамикаси таҳлили.

2015–2025 йиллар даври Ўзбекистон олий таълим тизими учун қамровни кенгайтириш, таълим хизматлари диверсификацияси ва меҳнат бозори билан алоқаларни кучайтириш босқичи сифатида баҳоланади. Олий таълим муассасалари сонининг 69 тадан 222 тагача ошиши тизимда институционал таклиф кенгайганини, талабалар контингентининг 264,3 минг нафардан 1432,8 минг нафаргача ўсиши эса олий таълимга бўлган ижтимоий талаб кескин ортганини кўрсатади. Бироқ ушбу жараён таълим сифати бошқаруви олдида янги вазифани қўяди: кенгайган қамров шароитида битирувчилар натижасини қандай сақлаб қолиш ва яхшилаш мумкин?

Динамик таҳлил шуни кўрсатадики, битирувчилар сониданги ўсиш бир маромда кечмаган бўлса-да, умумий тенденция юқори ўсиш йўналишини сақлаган. 2015 йилда 66,3 минг нафар битирувчи қайд этилган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида бу кўрсаткич 211,2 минг нафарга етган. Бу 3,2 баробарлик ўсишни ифодалайди. Бирламчи ишга жойлашганлар сони эса 62,1 минг нафардан 190,1 минг нафаргача ошган, яъни мазкур кўрсаткич ҳам 3,1 баробарга ўсган.

Бу натижалар олий таълим тизимида миқдорий кенгайиш меҳнат бозорига чиқиш натижалари билан маълум даражада уйғун кечганини кўрсатади. Бироқ бирламчи ишга жойлашиш улушининг 2015 йилдаги 93,7 фоиздан 2024/2025 ўқув йилида 90,0 фоизгача пасайиши таълим сифати бошқарувида эҳтиёткорона ёндашувни талаб этади. Чунки мутлақ сонларда ўсиш кузатилган бўлса-да, нисбий улушнинг пасайиши меҳнат бозори сиғими, таълим йўналишлари таркиби, битирувчилар компетенцияси, ҳудудий иш ўринлари тақсимооти ва иш берувчилар билан институционал ҳамкорликни янада аниқроқ бошқариш зарурлигини англатади.

Шу жиҳатдан 2015–2025 йиллар динамикаси таълим сифати бошқарувини фақат қамровни кенгайтириш сиёсати билан чеклаб бўлмаслигини кўрсатади. Бошқарувнинг кейинги босқичи битирувчилар натижасини тизимли мониторинг қилиш, меҳнат бозори эҳтиёжларини прогнозлаш, таълим дастурларини иш берувчилар билан

келишилган ҳолда модернизация қилиш ва КРІ тизимига битирувчиларнинг реал бандлик кўрсаткичларини киритишга таяниши зарур.

Битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши бўйича таҳлил.

Битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши олий таълим сифати самарадорлигини баҳолашда икки томонлама аҳамиятга эга. Бир томондан, у битирувчининг меҳнат бозорига кириш имкониятини акс эттиради. Иккинчи томондан, у олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилаётган таълим дастурлари, амалий тайёргарлик, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва бошқарув қарорларининг натижавийлигини баҳолаш имконини беради.

Таҳлил натижаларига кўра, 2015–2025 йиллар давомида битирувчилар сони кескин ошганига қарамай, уларнинг бирламчи ишга жойлашиш улуши 90 фоиз атрофида сақланган. Мазкур ҳолат олий таълим тизимининг меҳнат бозори билан функционал боғлиқлиги сақланаётганини кўрсатади. Бироқ контингентнинг кескин ўсиши шароитида бу натижани барқарор сақлаш таълим сифатини бошқаришда селектив, манзилли ва натижавий механизмларни такомиллаштиришни талаб қилади.

Мазкур кўрсаткични бошқарув нуқтаи назаридан талқин қилганда, бирламчи ишга жойлашиш фақат бандлик статистикаси эмас, балки олий таълим муассасаси фаолиятининг ташқи самарадорлик натижасидир. Агар битирувчиларнинг катта қисми кадрлар буюртмачилари томонидан қабул қилинаётган бўлса, бу таълим дастурлари ва меҳнат бозори эҳтиёжлари ўртасида муайян мувофиқлик борлигини кўрсатади. Агар ушбу улуш пасайса, бу таълим мазмуни, амалий машғулотлар, стажировкалар, карьера хизматлари ва иш берувчилар билан алоқаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

Шу сабабли битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши таълим сифати бошқаруви КРІларида алоҳида натижавий индикатор сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу индикатор таълим йўналишлари кесимида, ҳудудлар кесимида, иш берувчилар таркиби бўйича ва битирувдан кейинги дастлабки даврда мониторинг қилиниши зарур. Бундай ёндашув олий таълим муассасаларига фақат битирувчилар сонини эмас, балки уларнинг меҳнат бозорига кириш сифатини ҳам бошқариш имконини беради.

Эконометрик модель ва унинг натижалари.

Мазкур тадқиқотда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини эконометрик баҳолашда асосий натижавий кўрсаткич сифатида олий таълим муассасалари битирувчиларининг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилинганлар сони танланди. Ушбу ёндашув таълим сифатини бошқариш самарадорлигини нафақат жорий ҳолатда, балки ўрта муддатли ривожланиш тенденциялари нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш имконини беради.

Эконометрик моделлаштиришда натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, олий таълим муассасаларидаги умумий талабалар сони, инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми ҳамда консолидациялашган бюджетдан олий таълим тизими учун ажратилган маблағлар ҳажми танланган. Бу омиллар битирувчилар бандлигини шакллантирувчи иқтисодий, институционал ва ресурс муҳитини ифодалайди.

Эконометрик баҳолаш жараёнида модель қуйидаги кўринишда ифодаланди:

$$Y_1 = X_1^{0.147} \cdot X_2^{0.447} \cdot X_3^{0.049} \cdot e^{4.312} \cdot X_4^{0.177}$$

бу ерда Y_1 — олий таълим муассасалари битирувчиларининг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилинганлар сони; X_1 — фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони; X_2 — ОТМлардаги умумий талабалар сони;

X_3 — инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми; X_4 — консолидациялашган бюджетдан олий таълим тизими учун ажратилган маблағлар ҳажми.

Модель параметрлари омиллар таъсирини менежмент нуқтаи назаридан талқин қилиш имконини беради. Талабалар сонини ифодаловчи X_2 омили коэффициентининг нисбатан юқори экани олий таълим қамрови битирувчиларнинг меҳнат бозорига чиқиш кўлами билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Корхона ва ташкилотлар сонини ифодаловчи X_1 омили меҳнат бозори сиғимини ифодалайди. Инновацияларга қилинган харажатлар X_3 иқтисодиётнинг технологик янгиланиш даражасини билдирса, олий таълим учун ажратилган бюджет маблағлари X_4 таълим тизимида ресурс таъминоти ва институционал қўллаб-қувватлаш имкониятларини акс эттиради.

2012–2025 йиллар эмпирик базаси асосида қайта баҳоланган модель натижалари унинг изоҳловчи кучи юқори эканини кўрсатган. Модель баҳолаш натижаларида $R^2=0,9619$, тузатилган $R^2=0,9450$, $F=56,8557$ ва $DW=2,2828$ экани аниқланди. Бу кўрсаткичлар моделдан таълим сифати менежментида стратегик мониторинг, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва ўрта муддатли прогнозлаш учун аналитик восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

R^2 кўрсаткичининг юқори даражада бўлиши натижавий кўрсаткичдаги ўзгаришларнинг катта қисми танланган омиллар орқали изоҳланишини англатади. F-мезоннинг юқори қиймати модель умумий жиҳатдан аҳамиятли эканини кўрсатади. DW кўрсаткичининг 2 га яқинлиги қолдиқлар ўртасида жиддий автокорреляция хавфи юқори эмаслигини билдириши мумкин. Аммо модель натижаларини механик тарзда талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Модельнинг асосий қиймати аниқ прогноз беришдан ташқари, ривожланиш тенденциялари, йўналишлар ва ресурслар таъсирининг нисбий кучини ифодалашда намоён бўлади.

Шу боис эконометрик модель таълим сифати бошқарувида фақат статистик ҳисоб-китоб воситаси эмас, балки бошқарув қарорларини асослаш механизми сифатида қаралиши лозим. Унинг натижалари ОТМ раҳбариятига қайси омиллар битирувчиларнинг меҳнат бозорига кириш натижасига кўпроқ таъсир қилаётганини аниқлаш, ресурсларни мақсадли йўналтириш, иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш ва КРІ тизимини қайта шакллантириш имконини беради.

2026–2030 йиллар прогноз кўрсаткичлари.

Прогноз ҳисоб-китобларида 2026–2030 йиллар учун олий таълим муассасалари битирувчиларининг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилинганлар сони аниқланди. Прогноз натижалари қуйидагича ифодаланган:

Йил	Бирламчи ишга қабул қилинган битирувчилар сони, нафар
2026	110 397
2027	115 428
2028	120 306
2029	125 024
2030	129 580

Ушбу прогнозга кўра, 2026–2030 йилларда битирувчиларнинг кадрлар буюртмачилари томонидан бирламчи ишга қабул қилиниши 110 397 нафардан 129 580 нафаргача ўсиши мумкин. Бу ўсиш таълим қамрови, меҳнат бозори сиғими, инновацияларга йўналтирилган харажатлар ва олий таълим тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш омилларининг биргаликдаги таъсири билан боғлиқ ҳолда изоҳланади.

Прогноз натижалари таълим сифати бошқарувида бир нечта амалий хулосани шакллантиради. Биринчидан, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши ўсиш тенденциясини сақлаши учун олий таълим муассасалари меҳнат бозори сиғимини

мунтазам таҳлил қилиши зарур. Иккинчидан, талабалар контингентининг ўсиши таълим дастурлари мазмуни, амалий тайёргарлик ва иш берувчилар билан ҳамкорлик механизми билан бирга бошқарилмаса, бандлик кўрсаткичларида нисбий пасайиш хавфи пайдо бўлади. Учинчидан, инновацион харажатлар ва бюджет маблағларининг таъсири таълим сифатига йўналтирилган молиявий бошқарувни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Прогноз натижаларини КРІ тизимида интеграция қилишда битирувчиларнинг фақат ишга жойлашганлар сони эмас, балки ишга жойлашиш сифати, иш ўринларининг таълим йўналишига мослиги, иш берувчилар қониқиши, битирувчиларнинг касбий ўсиши ва ҳудудий меҳнат бозори талаблари ҳам инobatга олиниши керак. Акс ҳолда, бирламчи ишга жойлашиш кўрсаткичи ҳисобот индикатори сифатида қолиб кетиши мумкин. Унинг бошқарув қиймати эса фақат мониторинг, таҳлил, прогноз ва тузатувчи қарорлар билан боғланган ҳолдагина тўлиқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, 2026–2030 йиллар прогноз кўрсаткичлари таълим сифатини бошқаришни реактив эмас, балки олдиндан режалаштирувчи, далилларга асосланган ва натижага йўналтирилган менежмент моделига ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Бу олий таълим муассасаларида битирувчилар бандлигини стратегик бошқариш, таълим дастурларини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан мувофиқлаштириш ва ресурсларни натижавий индикаторлар асосида тақсимлаш имконини беради.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши асосида баҳолаш, аввало, таълим натижаларини меҳнат бозори талаблари билан боғлаш имконини беради. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2015–2025 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида талабалар контингенти, қабул кўрсаткичлари ва битирувчилар сони сезиларли даражада ошган. Бироқ бундай ўсиш таълим сифати автоматик равишда ошганини билдирмайди. Аксинча, миқдорий кенгайиш шароитида таълим сифати бошқарувининг асосий вазифаси ушбу ўсишни меҳнат бозорида барқарор натижавийликка айлантиришдан иборат бўлади (Мирзиёев, 2025).

Битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда ташқи натижавий индикатор сифатида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу кўрсаткич таълим жараёнида шаклланган билим, кўникма ва компетенцияларнинг иш берувчилар томонидан амалда тан олинишини ифодалайди. Шу маънода бирламчи ишга жойлашиш кўрсаткичи фақат бандлик статистикаси эмас, балки таълим дастурлари мазмуни, амалий тайёргарлик, кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорлик ва университет бошқарувининг натижага йўналтирилганлик даражасини акс эттирувчи комплекс бошқарув индикаторидир (Рахимова, 2005; Режапов, 2023).

Тадқиқот натижалари таълим сифатини бошқариш механизмларини такомиллаштириш меҳнат бозори эҳтиёжлари, таълим хизматлари истеъмолчилари талаблари ва университетнинг институционал барқарорлиги ўртасидаги уйғунликни таъминлашни талаб қилишини кўрсатади. Шунингдек, таълим сифатини бошқариш ўқув жараёнини ташкил этиш билан чекланмасдан, ресурслар тақсимоти, ташкилий тузилма, мониторинг, тескари алоқа ва қарор қабул қилиш жараёнларини ягона интеграл бошқарув тизимида бирлаштириши лозимлиги қайд этилган (Шермухаммадов, 2024).

Мазкур нуқтаи назардан эконометрик моделлаштириш таълим сифатини бошқаришда фақат ҳисоб-китоб ёки прогноз воситаси эмас, балки бошқарув қарорларини илмий асослаш механизми сифатида намоён бўлади. Агар битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашишига таъсир этувчи омиллар — корхона ва ташкилотлар сони, талабалар контингенти, инновацияларга қилинган харажатлар, олий таълим учун ажратилган бюджет маблағлари — ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил

қилинса, олий таълим муассасалари бошқаруви қайси йўналишда тuzатувчи чоралар кўриш зарурлигини аниқроқ белгилайди.

Масалан, талабалар контингентининг кескин ошиши меҳнат бозори сиғими билан мувофиқлаштирилмаса, битирувчиларнинг ишга жойлашиш улушида нисбий пасайиш юзага келиши мумкин. Шунинг учун қабул параметрлари, таълим йўналишлари, амалиёт базалари, иш берувчилар билан шартномалар, карьера марказлари фаолияти ва ҳудудий меҳнат бозори прогнозлари ўзаро боғлиқ ҳолда бошқарилиши керак. Бундай ёндашув таълим сифатини бошқаришни реактив эмас, балки олдиндан режалаштирувчи ва далилларга асосланган менежмент тизимига айлантиради.

Муҳокама натижалари шуни кўрсатадики, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши кўрсаткичи КРІ тизимига киритилганда, уни фақат умумий фоиз ёки мутлақ сон сифатида қўллаш етарли эмас. Ушбу индикатор таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ҳудудлар, иш берувчилар тури, иш ўрнининг битирувчи ихтисослигига мослиги ва ишга жойлашиш муддати кесимида таҳлил қилиниши лозим. Шундагина мазкур кўрсаткич ҳисобот индикаторидан бошқарув индикаторига айланади.

Миллий рейтинг индикаторлари ҳам ушбу жараёнда муҳим бошқарув воситаси ҳисобланади. Таҳлил доирасида 2026 йилда қабул қилинган “Олий таълим ташкилотларининг миллий рейтингини юритиш тўғрисида”ги Низом (2026) миллий рейтинг тизимини институционал ва методологик жиҳатдан янги босқичга олиб чиққанини кўрсатади. Шу сабабли битирувчилар бандлиги, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва таълим сифатини баҳолаш индикаторлари миллий рейтинг, ички аудит ва молиявий бошқарув механизмлари билан боғланиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларининг бошқарув аҳамияти шундаки, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши олий таълим муассасаларида таълим сифати самарадорлигини баҳолашнинг муҳим ташқи индикатори сифатида қаралади. Ушбу кўрсаткич таълим дастурлари, амалий тайёргарлик, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва ресурслар тақсимотининг меҳнат бозоридаги реал натижасини акс эттиради. Эконометрик баҳолаш эса мазкур жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, прогнозлаш ва стратегик қарорлар қабул қилиш имконини беради. Шу боис битирувчилар бандлиги кўрсаткичини КРІ, меҳнат бозори мониторинги, молиявий режалаштириш ва таълим дастурларини янгилаш тизими билан узвий боғлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар.

Биринчидан, Ўзбекистон олий таълим тизимида 2015–2025 йилларда кузатилган институционал кенгайиш таълим сифати бошқарувини натижавий индикаторлар асосида баҳолаш заруратини кучайтирди. Олий таълим муассасалари сони, талабалар контингенти ва битирувчилар сонининг ошиши тизимнинг миқдорий ўсишини кўрсатади, бироқ ушбу ўсишни сифат ва меҳнат бозори натижалари билан боғлаб баҳолаш зарур.

Иккинчидан, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш самарадорлигини баҳолашда муҳим ташқи натижавий индикатор ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич таълим дастурлари мазмуни, касбий компетенциялар, амалий тайёргарлик ва иш берувчилар эҳтиёжлари ўртасидаги мосликни баҳолаш имконини беради.

Учинчидан, 2015–2025 йилларда битирувчилар сони ва бирламчи ишга жойлашганлар сонининг ошиши олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги функционал боғлиқлик сақланаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, битирувчилар улуши, иш ўрни сифати, ихтисосликка мос ишга жойлашиш ва ҳудудий меҳнат бозори талаблари бўйича чуқурроқ мониторинг зарур.

Тўртинчидан, эконометрик моделлаштириш таълим сифатини бошқаришда стратегик қарорларни асослаш учун самарали аналитик восита ҳисобланади. Модель натижалари битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, прогнозлаш ва бошқарув таъсири йўналишларини белгилаш имконини беради.

Бешинчидан, 2026–2030 йиллар учун прогноз натижалари олий таълим муассасаларида битирувчилар бандлигини режалаштириш, КРІ тизимини такомиллаштириш, иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш ва ресурсларни мақсадли тақсимлашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилади:

1. Олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашишини мониторинг қилиш бўйича ягона электрон таҳлил тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Унда битирувчи, таълим йўналиши, иш берувчи, ишга жойлашиш муддати, иш ўрнининг ихтисосликка мослиги ва иш берувчи баҳоси акс эттирилиши керак.

2. Университет КРІ тизимида битирувчилар бандлигига оид кўрсаткичлар алоҳида блок сифатида шакллантирилиши лозим. Бу блок фақат ишга жойлашиш фоизи билан чекланмасдан, ишга жойлашиш сифати, иш берувчилар қониқиши ва меҳнат бозори талабларига мосликни ҳам қамраб олиши зарур.

3. Таълим дастурларини янгилашда кадрлар буюртмачилари иштирокини институционал механизмга айлантириш керак. Иш берувчилар фақат амалиёт базаси ёки ташқи эксперт сифатида эмас, балки компетенция моделларини белгилаш, фан дастурларини янгилаш ва битирувчиларни баҳолаш жараёнларига жалб этилиши лозим.

4. Олий таълим муассасаларида карьера марказлари фаолиятини статистик ҳисобот юритувчи бўлинма даражасидан стратегик таҳлил ва иш берувчилар билан ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи марказ даражасига кўтариш зарур.

5. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши бўйича эконометрик моделлаштириш натижалари олий таълим муассасаларининг стратегик ривожланиш дастурлари, қабул параметрлари, таълим йўналишлари портфели ва молиявий режалаштириш жараёнларига интеграция қилиниши лозим.

6. Миллий рейтинг индикаторлари, ички аудит, КРІ ва битирувчилар бандлиги мониторинги ягона бошқарув контурига бирлаштирилиши керак. Бу таълим сифати бошқарувини ҳисоботга йўналтирилган тизимдан натижага йўналтирилган менежмент тизимига ўтказишга хизмат қилади.

Умуман олганда, битирувчиларнинг бирламчи ишга жойлашиши асосида таълим сифати бошқаруви самарадорлигини эконометрик баҳолаш олий таълим муассасалари фаолиятини далилларга асосланган бошқарув, стратегик режалаштириш ва меҳнат бозори билан интеграциялашган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Мазкур ёндашув олий таълимда миқдорий ўсишни барқарор сифат натижаларига айлантиришнинг муҳим методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Белкин В.Н., Белкина Н.А., Владыкина Л.Б. (2010) *Формирование конкурентоспособного человеческого капитала предприятия.* – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, – 132 с.

Виссема Й. (2016) *Университет третьего поколения.* – М.: Олимп-Бизнес, – 480 с.

Захидова Ш.Ш. *Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш: иқтисодий фанлари номзоди диссертацияси автореферати.* – Тошкент, 2012. – 27 б.

Қаҳҳоров О.С. (2021) *Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмининг такомиллаштириш.* – Самарқанд, – 80 б.

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни;

Мирзиёев Ш.М. (2025) Битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги ёндашувлар белгиланди. 2025 йил 8 август // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

Мирзиёев Ш.М. (2025) Олий таълим сифатини ошириш чоралари кўриб чиқилди. 2025 йил 30 апрель // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;

Низом (2026) Олий таълим ташкилотлари миллий рейтингини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. 2026 йил 28 февралда қабул қилинган, 2026 йил 2 мартда 3783-сон билан рўйхатдан ўтказилган // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Рахимова Д.Н., Абдурахманов О.К., Зокирова Н.К. (2005) Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов. писатель, – С. 113–114;

Режапов Х.Х. (2023) Олий таълим ва меҳнат бозори хизматлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг методологик асослари. – Андижон, – 207 б.

Режапов Х.Х. (2023) Олий таълим ва меҳнат бозори хизматлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг методологик асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси. — Андижон, - 207 б.

Шермухаммадов Ш.Б. (2024) Таълим менежменти: дарслик / Ш.Б. Шермухаммадов, Ю.Т. Додобоев, С.А. Махмудова. – Фарғона: Classic, – 418 б.